

Жалолиддин ХОЛМЎМИНОВ
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
магистранти,
“Қўқалдош” ўрта махсус билим юрти
ўқитувчиси

САВДОГА ОИД ҲАДИСЛАРДА БАҒРИКЕНГЛИК

ТОЛЕРАНТНОСТЬ В ХАДИСАХ ПО ТОРГОВЛЕ

TOLERANCE IN HADITHS ON TRADE

Аннотация: Мақолада ислом дини бағрикенгликни тарғиб қилиши ва бу тарғиб савдо-сотиқда ҳам ўз аксини топгани ҳақида ёзилган. Далил сифатида Имом Бухорий ўзининг “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асарида “савдо ва сотиқда бағрикенглик” мавзусида алоҳида боблар ёзгани ва унга доир ҳадислардан намуналар келтиргани ёзилади. Ҳамда ушбу ҳадисларнинг машҳур уламолар томонидан қилинган шарҳлари келтирилади. Шунингдек, мақолада ҳанафий мазҳабининг машҳур асарларида “савдо-сотиқда бағрикенглик” масаласида ёзилган ҳукмлардан ҳам мисоллар келтирилади.

Калит сўзлар: Имом Бухорий, ҳанафий, “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”, ҳадис, мушрик, “Мухтасарул виқоя”, бағрикенглик, зиммий, савдо.

Аннотация: В статье говорится, что ислам способствует толерантности, что также находит свое отражение в торговле. В качестве доказательства Имам Бухари написал отдельные главы о «Толерантности в торговле и коммерции» в своей книге «ал-Джаме ас-Сахих» и привел примеры из хадисов, относящихся к ней. Есть также комментарии к этим хадисам известных ученых. В статье также приводятся примеры из популярных ханафитских постановлений о «толерантности в торговле и коммерции».

Ключевые слова: Имам Бухари, ханафи, ал-Джами ас-сахих, хадисы, мушрик, “Мухтасар ал-Викая”, толерантность, зимми, торговля.

Annotation: The article says that Islam promotes tolerance, which is also reflected in trade. As evidence, Imam Bukhari wrote separate chapters on “Tolerance in trade and commerce” in his book “al-Jami al-sahih” and gave examples from the hadiths related to it. There

are also commentaries on these hadiths by famous scholars. The article also cites examples from popular Hanafi writings on “tolerance in trade and commerce.”

Key words: Imam Bukhari, hanafi, “al-Jami as-Sahih”, hadith, mushrik, “Mukhtasar al-wiqaya”, tolerance, zimmi, trade.

КИРИШ

Инсонлар ва давлатлар ўртасидаги савдо ва тижорат ишлари иқтисодий манфаатларни келтириш билан бирга ўзаро муомала маданиятини ҳам билдиради. Савдо ва иқтисодий алоқаларининг ривожланиши, инсонлар ва давлатлар ўртасини мустаҳкамлайди. Барча савдо ва иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши тинчлик ва бағрикенгликнинг ўз ўрни бор. Тинчлик ва бағрикенглик билан барча жабҳа тараққий топади.

Ҳозирги замонда билиб-билмай инсонлар орасида диний масалаларда турли даражадаги зиддиятларни пайдо қилувчилар бор. Динда ғулувга кетган инсонлар ўзлари учун ҳам, бошқалар учун ҳам турли қийинчиликларни келтиради. Баъзилар “Мусулмон фақат мусулмон билан муомала (савдо ва бошқа битимларни) қилиши мумкин. Мусулмон жамиятдаги бошқа дин вакиллари билан муомала қилиш жоиз эмас”, дейдилар (1:40).

Бағрикенгликнинг муҳим йўналишларидан бири “диний бағрикенглик”дир. Турли дин вакиллари эътиқодидаги мавжуд фарқлардан қатъий назар, уларнинг ёнма-ён, ўзаро тинч-тотув яшаши ҳамда ҳар бир диний таълимотга ҳурмат билан қарабини англатадиган мазкур тушунча, ҳар ким ўз эътиқодига амал қилишда эркин бўлган ҳолда, бу ҳуқуққа бошқалар ҳам эга эканлигини эътироф этишни назарда тутди. “Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси”да таъкидланганидек, Бағрикенглик бўлмаса, тинчлик бўлмайди. Тинчликсиз эса тараққиёт ва демократия бўлмайди” (2:101-102).

Ислом динининг асоси бўлган Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда бағрикенглик шарафланган. Ана шу таълимотни билган ва амал қилган мусулмонлар бошқа дин вакиллари билан ҳар доим ўзаро ҳурмат билан тинч-тотув бўлган ҳолда олди-берди қилиб яшаб келмоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ

Имом Бухорий раҳматуллоҳ алайҳ “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асарида “Савдо китоби”нинг 99-бобини “بَابُ الشِّرَاءِ وَالْبَيْعِ مَعَ الْمُشْرِكِينَ وَأَهْلِ الْحَرْبِ” яъни, “Мушриклар ва аҳли ҳарблар билан олди-сотди қилиш ҳақида” деб номлайди.

Бу таржиматул бобда أهل الحرب ибораси المشركين калимасига атфидир, шу ҳолатда хосни омга атф қилинган бўлади. “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асарининг баъзи нусхаларда икки калима ўртасидаги атф ҳарфисиз келади, шунга кўра أهل الحرب ибораси المشركين калимаси учун сифати бўлади (3:37). Шунда боб “Аҳли ҳарб мушриклар билан олди-сотди қилиш ҳақида” деб номланган бўлади.

Имом Бухорий раҳматуллоҳ алайҳ ушбу бобни мазкур ном билан номлашдан мақсад мусулмонлар бошқа дин вакиллари билан ўзаро савдо қилишлари жоиз эканлигини исботлашдир.

Имом Бухорий раҳматуллоҳ алайҳ ушбу боб остида қуйидаги бир дона ҳадисни ривоят қилади.

عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ أَبِي بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ كُنَّا مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ثُمَّ جَاءَ رَجُلٌ مُشْرِكٌ مُشْتَعَانٌ طَوِيلٌ بَعْغَمٌ يَسُوقُهَا فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَيْعًا أَمْ عَطِيَّةً أَوْ قَالَ أَمْ هِبَةً قَالَ لَا بَلْ بَيْعٌ فَاشْتَرَى مِنْهُ شاةً (4:436)

Абдурахмон ибн Абу Бакр розияллоху “Набий соллаллоху анҳумо ривоят қилади: алайҳи васаллам билан бирга эдик. Кейин сочи ўсиб, тўзиб кетган, новча бир мушрик киши қўй ҳайдаб келиб қолди. Шунда Набий соллаллоху алайҳи васаллам: **“Сотиладиганми ёки ҳадями?”** дедилар (Ёки: “Совғами?” дедилар). У: “Йўқ, сотиладиган”, деди. Шунда у зот ундан битта қўй сотиб олдилар”.

Маълум бўлмоқдаки, мушриклардан нарса сотиб олиш жоиз экан. Шу ҳадис билан аҳли ҳарбдан ҳам нарса сотиб олишга далил олинмоқда.

Бу ҳадис мушрикдан сотиб олиш жоиз эканлигига далолат қилмоқда, мушрикка сотиш жоиз эканлигига ҳамда ҳарбийдан сотиш ва сотиб олиш жоиз эканлигига далолат қилмаяпди. Нима учун Имом Бухорий бу ҳадисни “Мушриклар ва аҳли ҳарблар билан олди-сотди қилиш ҳақида” бобида келтирдилар, деб савол берилса, қуйидагича жавоб берилади:

сотиб олиш ва сотишнинг орасида жоизлик маъносида ҳеч қандай фарқ йўқ. Мушрик эса фақат зиммий бўлмайди, балким омонлик сўраб кирган ҳарбий ҳам мушрик бўлади (5:466).

Мазкур ҳадиси шарифнинг шарҳида Аҳмад ибн Али ибн Ҳажар Ал-Асқолоний Ибн Баттол Абул Ҳасан Али ибн Ҳалафнинг сўзини иқтибос қилиб келтиради. Ибн Баттол: “Кофирлар билан олди-сотди муомаласини қилиш жоиз, фақатгина аҳли ҳарб кофирлари билан мусулмонларга қарши ишлатадиган қурол аслаҳаларини сотиш жоиз эмас”, деганлар (6:410).

Ҳанафий мазхабида мўътабар матнлар, шарҳ ва фатволарда ҳам мусулмонларнинг бошқа дин вакиллари билан муомала қилиши жоиз эканлиги тўғрисида баён қилинади. Масалан машҳур матнлардан бири “Мухтасарул виқоя” матнида “وَالَّذِي فِي أَحْكَامِ الْبَيْعِ كَالْمُسْلِمِ إِلَّا فِي الْخُمْرِ وَالْخَنَازِيرِ فَهُمَا كَالْخَلِّ وَالشَّاةِ فِي عَقْدِنَا” яъни “Зиммий савдо аҳкомларида худди мусулмондекдир. Фақат уларнинг тўнғиз ва хамр савдоси бизнинг ақдимиздаги сирка ва қўйга ўхшаш бўлади”, дейилади (7:99).

Имом Бухорий раҳматуллоҳ алайҳ “Савдо китоби”нинг навбатдаги 100-бобини “بَابُ شِرَاءِ الْأَمْثَلِ مِنَ الْحَرْبِيِّ وَهَبْتَهُ وَعَقْدَهُ” яъни, “Аҳли ҳарбдан қул сотиб олиш ҳамда уни совға қилиш ва озод этиш ҳақида” деб номлайди.

Ибн Баттол: “Имом Бухорий роҳматуллоҳ алайҳ бу бобни қўйишдан мақсади ҳарбий кофирлар ҳам худди мусулмонлар сингари ўз қўлларидаги нарсаларга эга эканлигини исбот қилишдир. Шунингдек эга бўлган нарсаларда сотиш, ҳиба қилиш, озод қилиш ва шунга ўхшаш тасарруфларни ҳам мумкин эканлигини собит қилишдир”, дейди (8:411).

Имом Бухорий раҳматуллоҳ алайҳ бу боб остида бир неча муснад ҳадисларни ривоят қилсада, бобнинг Набий соллаллоху алайҳи васалламга талиқ ривоятни кетирадилар.

وَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِسُلَيْمَانَ كَاتِبٌ وَكَانَ حُرًّا فَظَلَمُوهُ وَبَاغَوْهُ.

Набий соллаллоху алайҳи васаллам Салмонга: “Мукотаба¹ тузавер”, дедилар. У

¹ Мукотаба – мамлук (қул ёки чўри) билан хожа ўртасида тузилган шартнома бўлиб, унга кўра мамлук маълум маблағни белгиланган муддат ичида тўлаши ёки хизматни бажариши эвазига озод бўлади.

хур бўлиб, унга зулм қилишган ва уни сотиб юборишган эди.

Имом Бухорий бу таржиматул бобни келтириб аҳли ҳарбдан қулни сотиб олиш сўнгра уни бировга ҳиба ёки озод қилиш жоизлиги ҳақида баҳс юритиб, бунга қуйидаги далилларни келтирмоқда.

Салмон Форсий розияллоҳу анҳу асли хур бўлган. У киши ҳақ динни истаб йигитлик даврида уйдан чиқиб кетади. Бир неча роҳиблар ҳузурида бўлади. Улардан бири у кишига Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг башоратларини айтиб, Ҳижозга боришни тавсия қилади. У киши бир гуруҳ бадавий арабларга қўшилиб, Мадина томон йўлга чиқади. Аммо бу аъробийлар хиёнат қилиб, Водий ал-қуро номли жойда у кишини бир яҳудийга қул қилиб сотиб юборишади. Кейин у кишини Бану Қурайзалик бошқа бир яҳудий сотиб олади. Салмон розияллоҳу анҳу мусулмон бўлгач, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унга ўша яҳудий хўжайини билан мукотаба шартномасини тузишни буюрадилар (8).

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, ислом дини инсонларни бағрикенгликка чақиради. Шариат аҳкомлари барча муносабатларда бўлгани каби совдо-сотик муносабатларида ҳам таассубга эмас, балки бағрикенгликка асосланади. Ҳар бир жамиятда динлараро тотувлик бўлиши, инсонлар ўзаро ҳурмат билан олди-сотди ва бошқа муомалаларга киришиши дунёда тинчлик ва аҳдликни барқарор қилади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Шайх муфтий Муҳаммад Рафиъ Усманий. Ал-Мақолот ал-фикҳия. – Карачи: Мактабат дор ал-улум, 2016.
2. Аҳмедов Х.А. Ҳаракатлар стратегияси ва диний-маърифий соҳадаги ислохатлар. – Тошкент: Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи, 2020.
3. Аллома Бадруддин Абу Муҳаммад Маҳмуд ибн Аҳмад Айний. Умдатул-қорий шарҳ Саҳиҳ ал-Бухорий. Дор ал-кутуб ал-илмия. – Байрут, 2001. – Ж. 13. – Б. 37.
4. Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Саҳиҳул Бухорий. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-арабия, 2011.
5. Аҳмад ибн Исмоил ибн Усмон ибн Муҳаммад Кавроний. Ал-Кавсар ал-жорий ила рияди аҳодис ал-Бухорий. – Байрут: Дор ихё ат-турос ал-арабий, 2008. – Ж. 4.
6. Аҳмад ибн Али ибн Ҳажар Ал-Асқолоний. Фатҳ ал-борий шарҳ Саҳиҳ ал-Бухорий. – Байрут: Дор ал-фикр. – Ж. 4.
7. Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Тож аш-шариа. Мухтасар ал-виқоя фи масоил ал-Ҳидоя. – Казань: Лито-Типография И.Н. Харитонова, 1913.
8. Абдулмалик ибн Ҳишом ал-Маорифий. Ас-Сийра Ан-Набавия. – Тошкент: Ҳилол нашр, 2020.